КУТУБХОНАСИ

2007 ЙИЛ, 2 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 147 (10.956) Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйида шаҳар ҳамда туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши ижтимоий соҳа ходими» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Фарғона вилоятида «Ўзбекистонда меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этаётган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси» мавзуида ташкил этилган икки кунлик семинар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда уюштирилди.**

**● Чирчиқ трансформатор заводида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот — 63 минг килоВатт кучланишли трансформаторлар мижозларга етказиб берила бошланди.**

**● Тошкент вилояти, Паркент туманидаги «Коинот-фазо» оромгоҳида ёш фазогирларнинг навбатдаги машғулотлари бошланди.**

**● Навоий шаҳридаги 1-болалар поликлиникаси негизида вилоят марказида дастлабки оилавий поликлиника очилди. Бу ерда Тошкент шаҳридаги олий тиббиёт ўқув муассасаларида махсус қайта тайёргарликдан ўтган 11 нафар умумий амалиёт шифокорлари фаолият кўрсатмоқда.**

**● «Ишбилармон ўқувчи-2007» республика кўрик-танловининг Тошкент вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 21 та шаҳар ва тумандан академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг 30 нафар ўқувчиси қатнашди.**

**● Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят Кенгаши ташаббуси билан республикамиз Мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишлаб ўтказилган шахмат мусобақаларида қўшни Андижон ва Наманган вилоятларидан ҳам етакчи шахматчилар иштирок этишди.**

**● Қибрай туманида ветеринария препаратларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Sharipov +» хусусий корхонаси иш бошлади. Бу ерда хорижда ишлаб чиқарилган қиммат маҳсулотларнинг ўрнини муваффақият билан босувчи бир нечта дори-дармонлар ишлаб чиқарилмоқда.**

**● Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги «Мирзо Эсон» хусусий корхонасида замонавий хориж технологияси асосида шифер ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши натижасида 20 нафарга яқин киши иш билан таъминланди.**

**● Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ Данғара тумани Ғумойли қишлоғидаги 2-мактаб бутунлай қайта таъмирланди.**

**● Ургут туманининг тоғли Андак қишлоғида 300 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб биноси замонавий спорт зали билан биргаликда қуриб битказилди. Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси буюртмасига асосан тендер қиймати 320 миллион сўмлик мазкур бинони «Ургутуйжойқурилиш» корхонаси қурувчилари қисқа вақтда сифатли тарзда бунёд этишди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча АҚШ Давлат котиби Кондализа Райс Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари доирасида Исроилга ташриф буюриб мамлакат Бош вазири Эхуд Ольмерт билан музокаралар ўтказди. Учрашув чоғида Яқин Шарқдаги вазиятни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди.**

**● Ливия Президенти Муаммар Каддафий ўғлининг маълум қилишича, Франция ва Ливия ўртасида Ливияга юз миллион евролик катта туркумдаги қурол-яроғ етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланган. Бироқ Франция расмийлари шартнома имзоланганлиги тўғрисидаги хабарни тасдиқлашмаяпти.**

**● БМТнинг ҳуқуқий масалалар бўйича бошқармаси Тайбэйнинг БМТга аъзо бўлиш ҳақидаги аризасини рад этди. Чунки БМТ Хитой ва Тайбэй аҳолисини бир давлат вакиллари деб билади.**

**● Буюк Британия узоқ вақтдан буён давом этаётган сув тошқинларидан етказилган зарарни қисман бўлса-да қоплаш мақсадида Европа Иттифоқининг Бирдамлик фондидан ёрдам сўради. Айтиш керакки, Буюк Британия ҳозирга қадар сув тошқинларидан 4 миллиард евро атрофида зарар кўрган.**

**● Нью-Йоркдаги «NYMEX» биржасида ўтган куни 1 баррель нефтнинг баҳоси рекорд даражага кўтарилди, яъни 78,21 доллардан сотилди. Мутахассисларнинг фикрича, «қора олтин» нархининг кўтарилишига Нигерияда нефть қазиб олиш ҳажмининг вақтинча қисқартирилиши тўғрисидаги хабар сабаб бўлган.**

**● Кеча АҚШнинг Миннеаполис шаҳридаги Миссисипи дарёси устига ўрнатилган, бир кунда 200 мингта автомобилни ўтказиш қувватига эга улкан кўприкнинг қулаб тушиши оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмди, 30 га яқин йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Таъкидлаш жоизки, кўприкда таъмирлаш ишлари амалга оширилаётганлиги туфайли бир томонлама ҳаракатланиш йўлга қўйилганди.**

**● Еврокомиссия Польшадаги гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда гигиена меъёрлари қўпол равишда бузилганини аниқлади. Мамлакатдаги тўртта компаниянинг Европа Иттифоқи бозорларига ўз маҳсулотларини киритиши бутунлай таъқиқлаб қўйилди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

## Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

МУСТАҚИЛЛИК · INDENPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ 16 O'ZBEKISTON

### Қисқа сатрларда

● **ЮРТИМИЗ** Истиқлолининг 16 йиллигига туҳфа сифатида бунёдкорлар томонидан бунёд этилган «Локомотив машинистлари» ўқув марказининг янги биноси **КЕЧА** фойдаланишга топширилди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги «Камалак» номидаги мактабгача таълим муассасасида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирда Ҳамид Олимжон номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоалари хонандалари иштирокида тарбияланувчиларга концерт дастури ҳавола этилди.

● **БУГУН** Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалласида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилган «Кўчма спорт ўйинлари» мусобақаларида маҳалла болалари ўзаро беллашди.

● **ЭРТАГА** Миробод туманидаги «Парвона», «Олтинкўл», «Мустақиллик», «Қуйлиқ ота», «Билимдон» маҳаллаларида «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар ва Миробод туман бўлимлари Кенгашлари ҳамкорликларида ўтказиладиган «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» лойиҳаси доирасидаги машғулот тадбирида 80 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этишади.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Фанлар академиясида уюштирилган тадбирда Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони олимлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашнинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН»** нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан жорий йилнинг шу кунигача 49 хил номдаги дарслик ва қўлланмалар нашрдан чиқарилди. Йил якунигача нашриёт ходимлари 200 дан ортиқ илмий, бадиий адабиётларни ўқувчиларга етказиб беришади.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**







## ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

Пойтахтимиз йилдан-йилга чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Айниқса, шаҳримиз туманлари орасида Чилонзор тарихий номи, замонавий, муҳташам турар жойлари, юксалаётган иқтисодиёти, равон йўллари, кўприклари, обод маҳаллалари, жаҳон андозаларидаги ўқув даргоҳлари, юқори мавқедаги тиббиёт муассасалари билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда чилонзорликлар Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини меҳнатда ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш иштиёқидалар.

Мазкур туманнинг умумий майдони салкам 30,0 минг квадрат километрга тенг. Унда жами 49 та маҳаллалар мавжуд бўлиб, уларда кўп миллатли аҳил-иноқ 215,9 минг нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. «Чилонзор», «Нўғайқўрғон», «Хайробод», «Катта Дўмбиробод», «Кичик Дўмбиробод», «Шарқ тонги», «Олмазор», «Мевазор», «Катта Қозиробод», «Навбаҳор» каби маҳаллаларнинг тарихи эса узоқ ўтмишга бориб тақалади. Жумладан, ушбу туманда кўп қаватли уйлар сони 1132 тадан иборат. Муҳташам Халқлар Дўстлиги саройи, кўплаб кўркам шоҳкўчалари, хиёбон, майдонлари, мустаҳкам, замонавий кўприклари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Оперетта театри, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, боғнинг Олий Мажлисга туташ томонида қад ростлаган Кўргазмалар павильони, ҳамшаҳарларимиз ҳамда меҳмонларнинг севимли дам олиш масканига айланган Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Гагарин номидаги кинотеатр, бой фондга эга Фурқат номидаги марказий кутубхона ҳамда 12 та оммавий кутубхоналар, 2 та йирик бозор, «Отчопар» спорт мажмуаси, 3 та стадион, кўплаб очиқ спорт майдонлари, спорт, тренажер заллари аҳолига намунали хизмат қилмоқда.

Эл саломатлиги йўлида энг замонавий, жаҳон андозаларига мос тиббий-техник асбоблар, ускуналар ҳамда асосийси, малакали, касбининг усталари бўлган етук тиббиёт мутахассислари самарали меҳнат қилаётган В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази жамоаси кўп йиллардан буён нафақат пойтахтимизда, балки республикамизда ҳам мавқеи баланд тиббиёт маскани ҳисобланади. Шунингдек, Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти, республика Саломатлик маркази, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг марказий шифохонаси, янгидан таъмирланган, Республика шошилинч тиббий ёрдам марказига айлантирилган тиббиёт муассасаси жамоаси эл соғлиғи йўлида толмай меҳнат қилмоқда. Туманда ҳозирда 7 та оилавий поликлиника филиаллари, 7-туғруқ мажмуаси, 2-шаҳар Перинатал маркази, 3 та диспансер, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, тез ёрдам кўрсатиш станцияси, 2 та шифохоналарда чилонзорликларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Юртимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар сингари, таълим тизимида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тумандаги 33 та умумтаълим мактаблари, 15 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, 5 та академик лицейлар ҳамда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида таълим тизимини янада такомиллаштириш, ўқув масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадларида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 55 та мактабгача таълим муассасаларининг жажжи фарзандларимизнинг соғлом, баркамол ўсиб, вояга етишларида муносиб ҳиссалари бор.

Халқ фаровонлигини таъминлашда иқтисодиётнинг ўрни салмоқли. Шу боис юртимиз иқтисодиётини юксалтириш борасида туманда фаолият юритаётган йирик, кичик корхона, ташкилот, хусусий фирма, тадбиркорлик субъектлари самарали саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Бугунги кунда туманда 13 та йирик саноат корхоналари хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган 275 та корхоналар, шунингдек, аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатувчи 326 та объектлар ҳамда 1576 та савдо шохобчалари мавжуд. Улардан «Совпластитал», «Ал-ким-текстиль», «Ройсон», «Бета-алгоритм», «Абдулпласт», «Самарқанд-чой», «Хоразм-шакар» қўшма корхоналари ўзининг сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан аллақачон ҳамюртларимизни мамнун қилмоқда.

Туманни айланар эканмиз, бунёдкорлик, янгиланиш, ҳар соҳада ютуқларга эришишга интилиш чилонзорликларнинг Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракатларидан ёрқин далолат эканлиги хаёлимиздан ўтди.

**(Чилонзор туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎҲНА ВА БЕТАКРОР ШАҲАРЛАРИ ПОКИСТОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

**ПОКИСТОННИНГ ҚАТОР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ЖУМЛАДАН, МАМЛАКАТДА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «BALOCHISTAN TODAY» ЖУРНАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛИ 2750 ҲАМДА 2000 ЙИЛЛИК ТЎЙЛАРИНИ КЕНГ НИШОНЛАЙДИГАН САМАРҚАНД ВА МАРҒИЛОН ШАҲАРЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ҚИЛДИ.**

«Самарқанд – Шарқ ганжинаси» сарлавҳали мақола кўҳна шаҳарнинг тарихи ва бугунги кунига бағишланган. «Самарқанд ўзининг улуғворлиги бўйича Ўзбекистоннинг иккинчи шаҳри ҳисобланади ва Рим, Афина, Вавилон каби буюк шаҳарлар билан бир қаторда туради, деб ёзади нашр. Икки минг йил давомида у Буюк Ипак йўлида муҳим савдо маркази ролини ўйнаган. Ўрта асрларда – буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур салтанати даврида шаҳар Марказий Осиёнинг сиёсий-иқтисодий, маданий ва илмий маркази бўлган.

Кўплаб шоир, ёзувчи, олим ва саёҳатчилар бу шаҳарнинг нафосати ва улуғворлигига мафтун бўлган. Ўз тарихида Самарқанд жаҳоннинг не-не ҳукмдорлари эътиборини жалб этган. Шаҳарнинг энг ёрқин саҳифалари Амир Темур номи билан боғлиқ бўлиб, бу даврда у жаҳоннинг жуда қудратли давлатларидан бирининг пойтахтига айланган эди.

Бугунги кунда Самарқанднинг тарихий ва маданий аҳамияти БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти томонидан эътироф этилган».

Журнал саҳифаларидан жой олган яна бир мақолада Марказий Осиёдаги гўзал шаҳарлардан бири – Марғилон ҳақида ҳикоя қилинади. «Марғилон шу йил ўзининг 2000 йиллигини нишонлайди, деб ёзади мақола муаллифлари. Бу шаҳар тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган ўзбек давлатчилиги пайдо бўлиши ва ривожланишининг тимсоли бўлиб, инсоният цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Марғилон Европа ва Осиёни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо ва маданий марказдир. Марғилон VIII асрдаги араб ва хитой манбаларида тилга олинган. Қадимда тарихчилар Марғилон шойиси ва отлари ҳақида алоҳида завқ билан ёзишган. Жумладан, энг қимматбаҳо маҳсулотлардан бири ҳисобланган, марғилонлик ҳунармандлар томонидан тайёрланган шойи матолари Миср, Греция, Бағдод, Хуросон, Қашқарга етиб борган».

Кўҳна шаҳар заминида яшаган машҳур давлат ва дин арбоблари тўғрисида ёзар экан, «Balochistan Today» Бурҳониддин Марғиноний номини алоҳида ҳурмат билан ёдга олади. «Унинг номи Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби ислом динининг буюк алломалари қаторида туради», деб таъкидлайди нашр.

Журнал бу кўҳна шаҳарнинг бугунги куни ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг Марғилоннинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганига, шаҳар ўзида ҳам тарихийлик, ҳам замонавийликни бирдек мужассам этганига ўқувчилар эътиборини қаратади.

Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонасида Самарқанднинг 2750 йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашув ҳақидаги «Самарқанддан муҳаббат билан» сарлавҳали хабар эса **«Liberty International» журнали** саҳифаларида чоп этилди.

Мақолада Самарқанд Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Марғилон, Тошкент каби Ўзбекистоннинг бошқа қадимий шаҳарлари билан бирга мусулмон маданияти, илм-фани ва меъморчилигининг марказларидан бири эканлиги қаламга олинган.

«Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг ислом меъморчилигининг кўҳна ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, қадимий шаҳарлар, жумладан, Самарқанд тарихини ўрганиш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга оширди, деб таъкидлайди журнал. Бу саъй-ҳаракатлар шарофати билан кўҳна Самарқанд 2750 ёшда эканлиги илмий жиҳатдан тўла тасдиқланди. Шаҳар юбилейи тантаналари шу йил Ўзбекистонда халқаро ҳамжамият иштирокида кенг нишонланади».

Урду тилида нашр этиладиган **«Мукалма» журналида** «Тошкент – ислом маданияти пойтахти» рукни остида «Ўзбекистон – илм-фан, истеъдодлар, эзгулик ва нафосат юрти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

Мақола муаллифи – Осиё цивилизациялари жамиятининг аъзоси, профессор Юсуф Азиз шу йилнинг апрель ойида жамият делегацияси таркибида мамлакатимизда бўлиб қайтган эди. У ўзининг ушбу сафари таассуротларини журналхонлар билан ўртоқлашган.

«Ям-яшил водийлари, жазирама чўллари, ажойиб, юмшоқ иқлими билан бир қаторда Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўзининг алоҳида тарихий ва маданий ўрнига эгадир, деб ёзади олим. Тарихий шаҳарлар орасида ўзининг кўрки ва улуғворлиги билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Термиз алоҳида ажралиб туради. Юрт бўйлаб чор тарафда боғ-роғлар ва хиёбонлар ястаниб ётибди. Мамлакатда ота-боболар хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлинаётгани Ўзбекистонга ташриф буюрган зиёратчи ва сайёҳлар эътиборини ўзига тортади. Мустақиллик йилларида тарихий ҳақиқатни тиклаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Айнан шу мақсадда Ўзбекистонда қадимий меъморчилик ёдгорликларини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, буюк олимлар, шоирлар, давлат ва дин арбоблари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бу чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бунинг ёрқин мисолидир».

**«Жаҳон» АА**
**Исломобод**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

*Дастур ижроси йўлида*

## ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК — АМАЛДА

**МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ КАСАБА УЮШМА ФАОЛИЯТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ ЎЗ САФИДА 36438 МИНГ АЪЗОСИ БЎЛГАН 309 БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИДА ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛГАН.**

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармасида шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси билан тармоқ келишуви тузилган ва рўйхатдан ўтказилган. Мазкур келишувга биноан 78 та юридик шахс мақомидаги ташкилотда меҳнат қиладиган 4230 нафар ходим белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар. Айниқса, нодавлат секторидаги корхоналарда жамоа шартномаларини тузишга алоҳида аҳамият берилади ва ҳозирги кунда шу йўналишдаги 29 та корхонада 2406 киши меҳнат қилмоқда.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгаши кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз пенсионерлар, уруш ва меҳнат ногиронлари, афғон воқеалари иштирокчилари ва меҳнаткашларнинг шу каби муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш шунингдек, уларни дам олиш уйлари, санаторийларда соғломлаштириш, фарзандларини эса болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш юзасидан дастурий тадбирларни тасдиқлади.

2007 йилда тармоқдаги қатор корхона ва ташкилотларда "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган жамоа шартномалари тузилди.

"Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида тармоқда биринчилар қаторида ана шундай тадбирлар тасдиқланди.

Корхона директори З.Исажонов, касаба уюшма қўмитаси раиси Шавкат Усмонов ўзаро ҳамкорликда ишчиларнинг муҳтож қатламларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ходимларга кўпроқ имтиёзлар яратишга аҳамият бердилар. Шунинг натижасида корхона маъмурияти ўзининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун 192,5 миллион сўм микдордаги маблағ ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Корхонада ходимлар учун имтиёзлар бор. Ётоқхоналарда яшовчи ишчиларнинг ётоқхонадан, коммунал хизматдан фойдаланиш хизматларининг 50 фоизини, фарзандлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмани қисман тўлашлари, фарзандлари мактабнинг 1-синфига ўқишга борганда ишчиларга бир йўла тўланадиган моддий ёрдамнинг берилиши шулар жумласидандир.

Бундан ташқари ходимларга даволанишга, яқин кишиси вафот этганда ва иш билан боғлиқ бўлмаган шу каби тадбирларга моддий ёрдам сифатида корхона томонидан 10,5 миллион сўм миқдоридаги моддий ёрдам ажратилмоқда, фарзандлари 4 нафар ва ундан ошиқ бўлган кўп болали оилаларга, шунингдек, тўлиқ бўлмаган оилалар ва ногирон болаларга, улар 16 ёшга тўлгунга қадар ҳар бир болага 10 минг сўмдан моддий ёрдам берилмоқда. Ходимларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида иш берувчи ошхона, тиббиёт хонаси ва ётоқхонани ишлатиш харажатлари, овқатланишни арзонлаштиришни ўз зиммасига олиб, шу хайрли ишларга 78 миллион сўм миқдоридаги маблағни йўналтирди.

Ишчи пенсияга чиқаётганда жамоа шартномасига биноан корхонадаги меҳнат стажига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 10 дан то 20 бараварига қадар тақдирланади. "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурини ҳаётга тадбиқ этиш учун кам таъминланган, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ёлғиз оналарни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида иш берувчи ҳисобидан 22,5 миллион сўм, касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан эса 7 миллион сўм маблағни сарфлаш режалаштирилмоқда.

Корхонада ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилади. 2007 йилда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича келишув ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 515 нафар ходим, жумладан, 312 нафар аёлларнинг меҳнат шароитини яхшилаш бўйича тадбирлар киритилган ва бу мақсадлар учун 61300 минг сўм миқдордаги маблағ маъмурият ҳисобидан сарфланган.

Бундан ташқари маъмурият ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсизликдан жамоавий суғурта қилиш ва ушбу мақсадлар учун 6,8 миллион сўм маблағ ажратиш мажбуриятини олган. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси бўйича ўзларининг мажбуриятларини тўлиқ бажармоқдалар.

2007 йилнинг биринчи ярмида "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури тадбирларини бажариш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга, II жаҳон уруши қатнашчиларига, байналмилалчи жангчиларга, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатилди, санаторийлар ва дам олиш уйлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, В.Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуига йўлланмалар сотиб олиб берилди. Мактаб-интернатлар, Хлебушкина номидаги Мурувват уйига китоблардан иборат тарзда 2,5 миллион сўм миқдорида хайрия ёрдами берилди.

Жамоа шартномасида томонларнинг мажбуриятига асосан маош олиб ишловчи касаба уюшма қўмитаси раиси, бухгалтер маъмурият маблағлари ҳисобидан маош олади ва бу касаба уюшма маблағларини сезиларли равишда иқтисод қилиш ҳамда ходимларни ижтимоий ҳимоялашга йўналтириш имкониятини вужудга келтиради.

Шундай қилиб, жамоа шартномасини тузиш ва иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитасининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари орқали "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш орқали ижтимоий шерикчилик тамойили ҳаётга татбиқ этилмоқда.

**Лариса ШУСТЯК,**
**Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг бўлим мудири**





*Саломатлик — туман бойлик*

## ЧИМЁНСОЙДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

**ЖАЗИРАМА ЁЗ ФАСЛИДА ОНА ТАБИАТНИНГ СОЯ-САЛҚИН СЎЛИМ ГЎШАЛАРИДА МИРИҚИБ ҲОРДИҚ ЧИҚАРАЁТГАН БОЛАЛАРНИНГ СПОРТ, МОҲИР ҚЎЛЛАР ТЎГАРАКЛАРИДА, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИДА ШУҒУЛЛАНАЁТГАНЛИКЛАРИ, КУТУБХОНАЛАРДА КИТОБ МУТОЛАА ҚИЛАЁТГАНЛИКЛАРИ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗАЁТГАНЛИКЛАРИ ҚУВОНАРЛИДИР.**

Тошкент шаҳридаги "Алгоритм" очиқ акциядорлик жамиятининг "Алгоритм" болалар соғломлаштириш оромгоҳи республикамизда ажойиб анъаналари, қизиқарли тадбирлари билан азиз болажонларнинг севимли дам олиш масканига айланган. Бўстонлиқ туманининг салобатли тоғлар бағридаги баҳаво хушманзара Чимёнсой табиат гўшасида жойлашган "Алгоритм" соғломлаштириш оромгоҳи болаларнинг қувноқ кулгуси, ёқимли табассуми, шарқона одоб билан катталарга салом бериши билан янада файзлидир. Тинчлик, эзгулик рамзи бўлган спорт — оромгоҳ ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб спорт тадбирлари орқали болаларни соғлом, кучли, мард, чин дўст, муносиб фарзанд бўлиб камол топишига эътибор берилади.

—Ташкил топганлигининг 20 йиллигини нишонлаётган бу серфайз оромгоҳда шу давр мобайнида меҳнаткашлар фарзандлари, Қорақалпоғистондан келган ўғил-қизлар, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари жами бўлиб 100 минг нафар бола соғломлаштирилди, —дейди оромгоҳ бошлиғи Йўлчибой ака Раҳимжонов.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан болалар соғломлаштириш оромгоҳларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллиги улуғ байрамига бағишлаб анъанавий оромгоҳлараро спартакиада мусобақалари ўтказилди. Ташкил топганлигининг 20 йиллик қутлуғ санасини нишонлаётган "Алгоритм" болалар соғломлаштириш оромгоҳида анъанавий 14 спартакиада маданий-спорт байрами тарзида ўтказилди.

Пурвиқор тоғлар узра давлатимизнинг мадҳияси янграб, киши қалбига фахр-ғурур туйғусини сингдирувчи Ўзбекистонимизнинг гўзал байроғи юксакликка кўтарилиб, спартакиада мусобақалари тантанали тарзда очилди. Чимён ҳудудида жойлашган "Алгоритм", "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятининг "Белдирсой", Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг "Қуёшли", "Ўзэлектроаппарат - электрошит" қўшма корхонаси ОАЖнинг "Зафар" болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ўртасида спортнинг мини-футбол, волейбол, енгил атлетика, арқон тортиш турлари бўйича беллашувлар ғоят муросасиз, қизиқарли, ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда кечди.

Енгил атлетика бўйича баҳсларда "Алгоритм" жамоаси ғолиб чиқиб, "Қуёшли" командаси фахрли иккинчи, "Белдирсой" оромгоҳи вакиллари учинчи ўринларни эгаллаб, "Зафар" жамоаси тўртинчи ўрин билан кифояланди.

Қизлар ўртасида волейбол бўйича мусобақада "Алгоритм" оромгоҳи зафар қозониб "Белдирсой" жамоаси фахрли иккинчи, "Зафар" оромгоҳи волейболчи қизлари учинчи поғонани забт этдилар.

Мини-футбол бўйича беллашувлар спартакиаданинг энг қизиқарли мусобақасига айланди. Мусобақаларга пухта тайёргарлик кўрган "Алгоритм" ёш футболчиларни чаққон, чиройли ҳатти-ҳаракатлари, ажойиб тўп оширишлари ҳамда моҳирлик билан рақиб дарбозасига киритган голлари билан барчага завқ-шавқ бағишлаб, спартакиада ғолиби бўлдилар. "Белдирсой" жамоаси фахрли иккинчи, "Зафар" оромгоҳи вакиллари учинчи ўринни эгалладилар.

Умумжамоа ҳисобида "Алгоритм" командаси спартакиада ғолиби бўлиб, "Қуёшли" оромгоҳининг вакиллари ирода кучини намойиш этиб, ҳурмат шоҳсупасининг иккинчи, "Белдирсой" оромгоҳи жамоаси эса учинчи поғонасига кўтарилдилар. Муҳими, ғолиб чиқишгина бўлмай, фаол қатнашиш, соғлиқни мустаҳкамлаш, дўстлар орттириш каби эзгу ниятга эришишдир.

Ғолиб ҳамда совриндорларни табриклаб, мусобақа давомида спортчи тенгдошларини самимий олқишлаш билан қўллаб-қувватлаган ёш ишқибозларга дилдан миннатдорлик билдириб, "Азиз болалар спартакиадада мағлублар бўлмайди. Астойдил иштирок этиш, ғалаба сари интилиш, мусобақанинг мазмунли ўтишига, ҳаракат қилиш муҳим бўлиб, дўстлик ғалаба қозонади"- деди "Ўзметмашсаноат" ходимлари касаба уюшмси Марказий Кенгашининг раиси Шавкат Одилов.

Ғолиб ва совриндорлар Тошкент шаҳар касаба уюшмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг I, II, III даражали дипломлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, ғалабага бўлган иродаси учун "Қуёшли" жамоасига рағбатлантирувчи совға топширилди.

Болаларга бир олам қувонч бағишлаган оромгоҳлараро спартакиада якунлангач, оромгоҳ ташкил топган қутлуғ байрам муносабати билан азиз болаларнинг дастурхонига миллий таом— ош тортилди.

"Рақс" рақс гуруҳи, "Алавуддин" шоу – гуруҳи иштирокида болаларга байрам дастури намойиш этилди.

Спорт мусобақалари, маданий тадбирлар, санъатнинг сеҳрли олами уйғунлашган ушбу маданий-спорт тадбири орқали юзага келган дўстона кайфият, байрамона руҳ, эришилган энг муҳим натижа десак муболаға бўлмас. Зеро, бола қалбида меҳр-муҳаббат, эзгулик туйғусини камол топтириш болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тарбиявий ишларининг асосий мазмуни ва бош мақсадидир.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР — МУҲИМ МАСАЛА

**АЙТАЙЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАХТСИЗ ҲОДИСА СОДИР БЎЛИБ, ХОДИМ ШИКАСТЛАНДИ. АМАЛДАГИ ҚОНУНИЯТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ (ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 222-МОДДАСИ, "МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУННИНГ 2-МОДДАСИ) БУНДАЙ ҲОДИСАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ТЕКШИРИЛИШИ ВА ҲИСОБГА ОЛИНИШИ ШАРТ.**

Уларни текшириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомда белгиланган ягона тартиб асосида олиб борилади. Бахтсиз ҳодиса иш берувчининг буйруғи билан тузилган иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари таркибидаги комиссия томонидан 3 сутка ичида, гуруҳий, оқибати оғир ва ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар эса шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, агар корхона (объект) "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси назорати остида бўлса, ушбу инспекция буйруғи билан тузилган махсус комиссия томонидан 15 кун мобайнида текширилиши керак.

Ўтказиладиган бундай текширишдан асосий мақсад—ушбу бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқиши сабабларини ҳар тарафлама тўла аниқлаш, уларни бартараф этишга оид чора-тадбирларни белгилаб амалга ошириш ва шу йўл билан келгусида бундай ҳодисаларнинг содир бўлишига чек қўйишдир.

Амалда эса кўп ҳолларда.. Ўзингиз баҳо беринг.

Ходим ўз вазифасини бажариб туриб бетон қориш қурилмаси биносининг иккинчи қаватига чиқади ва бироз вақтдан кейин ўлик ҳолда топилади. Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра ўлим техник ток уриши натижасида келиб чиққан, дейилади. Ҳодисанинг сабаби қилиб ҳам электр ток таъсири (уриши) деб кўрсатилади. Лекин қаердан, нимадан, қандай қилиб, нима учун ток урганлиги аниқланмай қолади.

Ўз бевосита раҳбарининг кўрсатмаси билан ишчи омборхонада турган эски, баландлиги 1,4-1,7 метр бўлган жиҳоз (бак)лардан монометр, пневмоклапан, пневморедукторларни ечиб олиш жараёнида боши билан бетон полга йиқилади ва ҳалок бўлади. Ҳодисанинг сабаби қилиб, шикастланган ишчи ўз иш жойини иш бажариш учун тайёрламаган, деб кўрсатилган. Лекин, ҳодисани текширган комиссия баландликда ишлаш қонун-қоидаларининг махсус талаблари мавжудлиги, уларни таъминлаш иш берувчининг мажбурияти эканлигини умуман унутган. Ажабланарлиси шундаки, текшириш ҳужжатларига қўшиб қўйилган тиббиёт ташкилотининг "баландликка кўтарилмай чилангар бўлиб ишлаши мумкин" деган хулосаси ҳам инобатга олинмай қолиб кетган (шикастланган шахс III гуруҳ ногирони бўлган).

Эндигина 18 ёшга тўлган ёш йигит ўзининг ўнинчи иш кунида чап қўлининг 2,3,4,5 бармоқларидан ажралиб қолди. У термопластавтоматда 10 литрлик пластмасс идишлари чиқариш жараёнида қўли билан эритилган (қайноқ) массани тўғриламоқчи бўлди ва қўли пресс-форма орасига қисилиб қолди. Ҳодисанинг келиб чиқиш сабаби қилиб, ишни хавфсиз бажариш устидан етарлича назорат ўрнатилмаганлиги кўрсатилган. Ушбу ишчининг тиббий кўриксиз ишга олинганлиги, юқори хавф манбаи хисобланган термопласт автоматни мустақил бошқаришга меҳнатни хавфсиз ташкил қилиш бўйича ўқитилмагани, бу масалада билим савияси текширилмагани, малакали ходим қўл остида керакли стажировкадан ўтмаган шахс қўйилганлиги комиссия эътиборидан четда қолиб кетган.

Майда деталлар, металл маҳсулотларни тозалаш ва ёғсизлантириш жараёнларини бажариладиган идишларни ҳаракатга келтирувчи ҳаракатни узатувчи валга махсус кийими илиниб, ўралиб қолиши натижасида ишчи ҳалок бўлади. Сабаб қилиб, ишни олиб бориш ва техника хавфсизлиги йўл-йўриқларига риоя қилиш устидан назоратнинг етишмаслиги деб кўрсатилади ва бунинг натижасида ишчи айланаётган валга яқинлашиб, йўриқнома талабларини бузган, деб таъкидланади. Айланиб турган валда асровчи тўсиқлар йўқлиги нимагадир эътиборга олинмайди.

Шунга ўхшаш текширишлар кимга керак? Ахир улар ишлаб чиқаришдаги шикастланиш кўрсаткичларини камайтиришга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга заррача фойда бермайди. Бундан ташқари, ўз ҳаракатсизлиги ёки нотўғри хатти- ҳаракатлари билан шу ҳодисаларнинг содир бўлишига сабабчи бўлган жавобгар амалдор шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига бўлган ёндошишни янада сусайтиришига олиб келади. Ачинарлиси шундаки, кўп ҳолларда шикастланган ёки ҳалок бўлган ходимларнинг ўзи ҳодисаларнинг келиб чиқишига айбдор қилиб кўрсатилади.

Балки комиссия аъзоларининг билим савияси паст бўлса керак, дейишга умуман асос йўқ.

Бир савол туғилади: шу ҳужжатларни ўз вақтида тўла ҳажмда муайян олиб турган юқори ташкилотлар нега ўз фикрини билдирмайди, нега ўз вақтида йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатишга ҳаракат қилмайди?

Ахир меҳнат муҳофазаси ибораси тагида инсон саломатлиги, ҳаёти, оила ва жамоанинг равнақи турибтику! Ўйлайманки, касаба уюшма ташкилотлари ходимлари, кенг доирадаги фаоллар ва мутахассислар фикримизга қўшилади.

Шу ерда ўз фикримни айтмоқчиман. Келтирилганидек фактларни бироз камайтириш мақсадида, шаҳар прокуратураси ёки бошқа бир ташкилот қошида ишлаб чиқаришда кўп йиллик иш амалиётига эга бўлган тажрибали муҳандис-техник ходимлардан иборат эксперт гуруҳи тузилиб, бахтсиз ҳодисаларни махсус текшириш ҳужжатлари шулар тарафидан кўриб чиқилгандан кейингина прокуратура органларига ижро учун юборилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман.

Мутахассислар булар тўғрисида ўз фикрларини билдиради, деб умид қиламан.

**Қобил ДАДАБАЕВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг етакчи мутахассиси**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## АГАР БИНО ЁКИ ИНШООТНИ ИЖАРАГА ОЛСАМ...

**Кейинги йилларда тадбиркорлик, тадбиркорга яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Мен ҳам кўпдан буён савдо-сотиқ, нонвойчилик фаолияти билан шуғулланиб келаман. Агар шу мақсадлар учун бирор бинони ёки каттароқ бир иншоотни ижарага олиб иш юритмоқчи бўлсам унинг қонун-қоидаси қандай бўлади. Шу тўғрида билмоқчи эдим.**

**Ш.Сотиболдиева,**
**Шайхонтоҳур тумани.**

**Ушбу саволга ҳуқуқшунос Алишер ҒУЛОМОВ жавоб беради.**

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берилаётган бир пайтда бино ва иншоотларни ижарага олиб мустақил фаолият юритаётган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил қилади.

Албатта бу жараёнда бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси масаласи қандай тузилади, деган савол ўз-ўзидан вужудга келади. Ушбу ҳолатда бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига бино ёки иншоотни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёки шаклда тузилади.

Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Шунингдек, бино ёки иншоотни ижарага берувчи ижарага берилаётган бино ёки иншоот жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлса, ижарага олувчига ер участкасининг тегишли қисмига бўлган ижара ҳуқуқи ёхуд бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ топширилади.

Агар ижарага топширилган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса, ер участкасининг бино ёки иншоот жойлашган ва улардан ўз вазифасига мувофиқ фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи бино ёки иншоот ижарага берилган муддатга ижарага олувчига ўтади.

Ижарага берувчининг мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган бино ёки иншоотни ижарага беришга, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонунда ёки ер участкасининг мулкдори билан тузилган шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ушбу участка мулкдорининг розилигисиз йўл қўйилади.

Қолаверса, бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномасида ижара ҳақининг миқдори назарда тутилиши лозим. Ижара ҳақининг миқдори тўғрисида тарафлар ёзма шаклда келишилган шартлар бўлмаган тақдирда бино ёки иншоотни бериш шартномаси тузилмаган ҳисобланади.

Шунингдек, бино ёки иншоотни ижарага берувчи томонидан топшириш ва ижарага олувчи томонидан қабул қилиб олиш тарафлар имзолайдиган топшириш далолатномаси ёки топширишга доир бошқа ҳужжат бўйича амалга оширилади.

## ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИНИНГ МОҲИЯТИ

**Азалдан одамлар ўртасида «олди-берди» масаласи маълум бир келишув асосида тузилган. Уни амалга ошириш қоидалари эса ўзаро келишув, яъни гувоҳлар, ёзма тилхат, битим, шартнома каби усуллар ёрдамида юзага келган. Аммо инсон табиатига хос баъзи жиҳатлар борки, булар қонуний ҳужжатлар асосида юритилади. Биз қурилиш пудрати шартномаси нима ва унинг афзалликлари қандайлиги ҳақида билмоқчи эдик.**

**Ш.Ғуломов,**
**М.Турсунов,**
**Юнусобод тумани.**

**Ушбу саволга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими Эльдор АМИРҚУЛОВ жавоб беради.**

Қурилиш пудрати шартномаси бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи билан муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятига эга бўлади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони (жумладан уй-жой биносини), иншоотни ёки бошқа объектни қуриш ёки қайта қуриш ҳақида, шунингдек, монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган объект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада кўрсатилган муддатда ишлатишни, таъмирлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади. Бажарилаётган ишларнинг хавфсизлиги учун пудратчи жавобгар бўлади. Пудратчи қурилиш ва у билан боғлиқ бўлган ишларни ишнинг ҳажми, мазмуни ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни белгилайдиган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши шарт. Қурилиш пудрати шартномасида лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек, қайси тараф ва қанча муддатда тегишли ҳужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак. Пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Қурилиш пудрати шартномасида, техникавий лойиҳада ва тарафлар учун мажбурий бўлган қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган талаблардан чекинишга йўл қўйилганлиги, шунингдек қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларига, жумладан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига эришилмагани учун буюртмачи олдида жавобгар бўлади. Бино ёки иншоот реконструкция қилинганида бинонинг, иншоотнинг ёки унинг бир қисмининг мустаҳкамлиги, барқарорлиги, ишончлилиги пасайгани ёки йўқолгани учун жавобгарлик пудратчи зиммасига юкланади.

Агар қурилиш пудрати шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи қурилиш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичларга эришишини ва объектни кафолат муддати давомида шартномага мувофиқ ҳолда ишлатиш мумкинлигини кафолатлайди. Агар қонунда ёки шартномада бошқача кафолат муддати назарда тутилган бўлмаса, кафолат муддати объект буюртмачи томонидан қабул қилинган кундан бошлаб ўн йилни ташкил этади. Агар пудратчи кафолат муддати давомида аниқланган камчиликлар объектнинг ёки унинг қисмларининг нормал эскириши, унинг нотўғри ишлатилиши ёхуд буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар ишлаб чиққан қўлланманинг нотўғрилиги, объектни буюртмачининг ўзи ёки у жалб қилган учинчи шахслар тегишли даражада таъмирламаганлиги оқибатида вужудга келганлигини исботлай олмаса, бу камчиликлар учун жавобгар бўлади.

Қурилиш пудрати шартномаси билан боғлиқ муносабатлар ушбу кодексда кўрсатилган бир қанча қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Фақат биз фуқаролар бундан фойдалана билсак бўлгани.

